Улар шундай қавмдирларки, агар ораларидаги бир солиҳ банда ўлса, унинг қабрига масжид бино қилиб

Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳодан: «Умму Салама Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳабашистондаги Мария деб номланувчи черков ва ундаги суратлар ҳақида кўрган нарсасини гапириб берганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар шундай қавмдирларки, агар ораларидаги бир солиҳ банда ўлса, унинг қабрига масжид бино қилиб, унга суратларни чизиб ташлайдилар. Улар Аллоҳнинг наздида махлуқотларнинг энг ёмонидирлар!», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Мўминларнинг онаси Умму Салама разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳабашистонда бўлган чоғларида сурат ва нақшлар билан безатилган «Мария» номли канисани кўрганларини ажабланиб айтиб бердилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу суратларнинг сабабларини баёнлаб: «Ўша зикр қилган одамларингизда бирорта солиҳ одам ўлса, қабри устига масжид қуриб ўша суратларни чизардилар», дедилар. Ўша ишларни қилганлар Аллоҳ таолонинг наздида энг ёмон одамлардир. Чунки шундай қилиш Аллоҳ таолога ширк қилишга олиб боради.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10887